МУЛОҚОТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЛИСОНИЙ-МАДАНИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲАҚИДА

Ғ.Х.Раҳимов

Мақолада мулоқот фаолиятининг лисоний-маданий кўрсаткичлари, хусусан, мулоқот стратегияси воқеланишининг миллий-маданий хусусиятилари таҳлил қилинган.

***Калит сўзлар**: мулоқот, меъёр, дискурсив фаолият, миллий-маданий қадрият, когнитив дастурлаш, универсалия, мулоқот стратегияси, мулоқот тактикаси, мулоқот технологияси, когнитив сценарий, гештальт, мавқе масофаси.*

Статья посвящена изучению лингвокультурных показателей речевой деятельности, в частности, национально-культурных особенностей актуализации речевой стратегии.

***Ключевые слова**: коммуникация, речь, норма, дискурсивная деятельность, национально-культурная ценность, когнитивное программирование, универсалия, речевая стратегия, речевая тактика, речевая технология, когнитивный сценарий, гештальт, степень дистанции.*

The article studies the Linguistic-cultural indicators of speech act, in particular national-cultural peculiarities of speech strategy realization.

***Keywords:** communication, norm, discourse activity, national-cultural value, cognitive programming, universals, speech strategy, speech tactics, speech technology, cognitive scenary, Gestalt, power distance.*

Ўзга тилни ўзлаштириш жараёни турли йўналишда кечиши ва бир хил натижа билан тугамаслиги барчага маълум. Психологлар тил ўрганиш мақсадида бажариладиган руҳий-психологик фаолиятни “эгаллаш” *(appropriation)* “ўзлаштириш” *(mastery)* ҳаракатларидан иборат эканлигини қайд этадилар. М.Бахтин издошлари қаторига қўшилишни ўзи учун фахр деб билган инглиз руҳшуноси Ж.Вертч инглиз тилидаги appropriation атамасини “бирор нарсани ўзиники қилиб олиш” мазмунида таърифлайди [6.53]. Юқоридаги икки термин мазмунидаги фарқни мусиқачининг ўз асбобидан қандай фойдаланиши мисолида кўрсатиш мумкин. Машҳур мусиқачи Пабио Касалсдан унинг асбобдан фойдаланиш маҳорати ҳақида сўралганда, “Мен асбобни чалмайман, балки асбоб воситасида чаламан (ижро этаман)” деган экан. Демак, Касалс асбоб (виолончель)ни эгаллаб бўлган, уни ўзиники қилиб олишга, унинг билан бир жисмга айланишга улгурган, асбобда чалиш касбини ўзлаштириш эса, олимнинг тушунтиришича, ушбу асбобдан қандай фойдаланишни билиб олиш, яъни уни чалишни ўрганиб олиш билан тенг ва бу ҳолатда у асбобни ўзиники қилиб олишга улгурмайди. Ушбу тушунчаларни тил билими даражасини белгилаш амалиётига нисбатан татбиқ қиладиган бўлсак, она тилида сўзловчилар ўз тилларини эгаллаб, уни “ўз мулкига айлантириб олишларига” ишонч туғилади. Чет тилини ўрганганлар эса, ҳатто бу тилни билиш даражаси юқори бўлганида ҳам, ўзга тилни ўзлаштирадилар, яъни ундан лозим бўлганда фойдалана оладилар.

Ҳақиқатан ҳам, бошқа маданият, лисоний тизимга оид хусусиятларни тўлиғича билиб олиш ва улардан “ўз мулки” сифатида фойдаланиш қобилиятини ҳосил қилиш қийин масала. Бир пайтлар рус психологи Л.Выготский ташқи оламда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни тўлиқ идрок этиш учун инсон даставвал уларни нафақат кўриш ёки ҳис этиш, балки ақлий назоратга олиши шарт эканлигини уқтириб, бундай идрок жараёнини “интернализация” термини билан аташни таклиф қилган эди [8.159]. Бу атама заминида аслида инсон – воқелик муносабатининг қайта ташкил топиш жараёни туради ва унинг кечишида инсон-воқелик муносабатининг аввалдан мавжуд бўлган намуналари кейингилари туғилишига туртки беради, улар билан қоришиб кетади ёки сақланиб қолади.

Бироқ интернализация жараёнини бир томонлама тушунмаслик лозим, зотан, бу ҳолда шахснинг маданий ва лисоний билимнинг пассив қабул қилувчисига айланиб қолиши хавфи бор. Бу хавфдан огоҳ бўлиш муҳимлигини уқтирган Л.Выготский ҳар бир шахсни ижтимоий фаолият жараёнида билимни эгалловчи ва уни узатувчи индивид сифатида қарашни маъқуллаган эди. Унинг издошлари ҳам бу жараённи сиртдан ботинга қараб йўналиш оладиган оддий ҳаракат тасвирида қарашдан йироқ туриш маслаҳатини бермоқдалар. Шундайлардан бири бўлган Р.Я.Гальперининг фикрича, инсон томонидан бажариладиган ментал амаллар ташқи дунёда мавжуд бўлган предметлар ва кечаётган воқеа-ҳодисалар таъсирида ҳосил бўлади [2.33]. Ментал фаолиятнинг ҳаёт тажрибаси, ташқи олам ҳақидаги билим билан бу даражадаги боғлиқлиги чет тилини ўрганувчиларда тўлиқ маънодаги лисоний қобилият шаклланишини бироз бошқачароқ тасаввур қилишга ундайди ва бу қобилият тарки-

бидан маданий-ижтимоий билимга албатта ўрин ажратилиши лозимлигига кишини ишонтиради.

Ёш болаларнинг тил ўрганиш жараёни билан шуғулланган М.Томаселлонинг хулосасича, тилни эгаллаш жараёни "тамоман янада муҳимроқ бўлган ўзаро диққат, мақсадини англаш ва маданий билимни ўзлаштириш қобилиятига боғлиқдир ҳамда бу қобилият бола бир ёшга етганида пайдо бўла бошлайди" [5.21]. Шу жиҳатдан тил инсонлар ҳамкорлигини, уларнинг ўзаро муносабатларини йўлга қўядиган махсус ва ўта мураккаб қобилият намунаси сифатида қаралади.

Маданиятга оид билимсиз тилнинг мавжуд бўлмаслиги ва шу билимсиз унинг мулоқот воситаси бўла олмаслиги аниқ. Психолингвистлар ва когнитологлар лисоний онг когнитив тузилмаларининг лисоний қиёфа олиши билан яралишини аллақачонлар исботлаб беришган. Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, воқелик ҳақидаги билимнинг шаклланиши ҳамда лисоний ифодаланишида когнитив ва лисоний маъно бир хилда иштирок этиши ва воқеа-ҳодисалар концептуаллашуви лисоний онг ҳудудида кечиши аниқ. Лекин когнитив амаллар инсон тажрибасидан ва бошқа фаолият турларидан ажралган ҳолда намоён бўлишига ишониш қийин. "Идрок ва тасаввур тўрига,- деб ёзган эди файласуфлардан бири, - доимо сўзлар, билим, авлодлар тажрибаси ва маданияти чирмашиб кетади". Айнан маълум тил соҳиби бўлган миллат, элат томонидан тўпланган тажриба, билим ва маданият унинг лисоний тафаккур фаолиятини, менталитетини белгилайди. Тил билиш кўламини белгилайдиган миллий менталитет этно-маданий ахборот тўпланиши натижасида ҳосил бўладиган ҳодисадир [7.69].

Тил ва маданиятнинг боғлиқлиги, уларнинг умумий хислатлари ҳақида кўп гапирилади-ю, лекин ушбу боғлиқлик нимада эканлиги ва бундай боғланишни таъминловчи омиллар нималардан иборатлигини аниқлашга унчалик ҳаракат қилинмайди. Ёки бу ҳодисалар шу даражада қоришиб кетганки, тилнинг қаердан бошланиши ва маданиятнинг қаерда ҳамда қандай тугашини билиш қийинми? Бундай савол ва иккиланишлар пайдо бўлишининг, албатта, объектив сабаблари бор. Ушбу сабаблардан бири – бизнинг универсализм ғоясини лингвистик тадқиқотларнинг асосий ғояси, методологик таянчига айлантириб қўйганимизда. Структур тилшунослик асосан лисоний бирликлар ўртасидаги қандайдир "соф муносабатлар"ни излаш билан машғул бўлган бўлса, универсал грамматика ғояси тарафдорлари эса тилни нутқ ижодини таъминловчи умумий когнитив механизмлар тизими сифатида талқин қилишни маъқул кўрди. Маданиятлараро семантика *(Cross Cultural Semantics)* оқими вакиллари ҳам бундай фикрдан узоққа кета олмадилар ва улар тил тизими универсал концептлар ҳукмронлигида фаолият кўрсатишига бошқаларни ҳам ишонтиришга ҳаракат қилдилар.

Лингвистик тадқиқотларда маданият ҳодисасига, унинг инсон лисоний фаолиятида тутган ўрнига жуда ҳам кам эътибор қаратилиши тилшунослик фани тараққиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаслиги аниқ эди. Буни Америка фанида "маданият" тушунчасининг гуманитар билим соҳасида эътиборсиз қолаётганидан ва унинг "қолдиқ категорияга" айланганидан нолиб айтилган норозиликда ҳам кўришимиз мумкин: *"The concept of culture is such a weak and evanescent notion in American social thought. We understand that other people have culture in the anthropological sense and regularly record it – of mischievously and patronizingly. But when we turn critical attention to American culture the concept dissolves in to a residual category useful only when psychological and sociological data are exhausted"* [1.19].

Маданият ҳодисасига бу қадар кибрли қараш, уни менсимаслик нафақат тил назариясида, балки амалий тилшуносликда, шу жумладан, чет тилини ўқитишнинг лингводидактик асослари талқинида ҳам ўз изини қолдирди. Оқибатда тил таълимида маданиятга оид билимга, тил ўрганувчининг ким эканлигига эътибор камайди, ўқув режалари ва дастурлари узоқ вақт давомида "номаданий" руҳда тузилиб келинди. Аслида, чет тилини ўрганишга аҳд қилган ҳар бир шахс маълум бир тил соҳиби, маданият вакили ва у синфга ўз тили, маданияти билан кириб келади. Тил ва маданият якдиллиги, ўз навбатида, инсоннинг, миллатнинг ўзлигини белгилайди. Швед психологи Л.Гундерсон ёзаётганидек, "маданият ўзликнинг ажралмас қисми ва ўқувчининг мактабда қандай таълим олиши ва жамиятда ўзини қандай тутишини кўпинча унинг "ўзлиги" белгилаб беради" [3.693].

Тил, маданият ва ўзликнинг ўзаро боғлиқлигини таъминловчи омиллар қатори кенг. Бу боғлиқлик асосида тилнинг умумийлиги туради, чунки тил миллатни уюштирувчи, унинг ўзлигини белгиловчи ҳодисадир. Маданият ва ўзлик ҳодисалари тил воситасида ифода топади. Шунинг учун ҳам Л.Гундерсоннинг сўзлари ўринли эшитилади: "Тил ва маданиятнинг боғлиқлиги ўта чигал тугунга ўхшаш. Горди тугунидан фарқли равишда, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, чунки айри ҳолда улар ҳеч қандай мазмунга эга бўла олмайдилар" [3.694].

Тилнинг моҳияти ундан инсонлар кундалик ҳаётда фойдаланишларида, маълум мазмунни яратиш, ифодалаш ҳамда англашларида, шунингдек, жамоада ва шахслараро муносабатларни ўрнатишларида намоён бўлади. Тилнинг бу сифат талқини уни билим манбаси кўринишида эмас, балки ижтимоий фаолият воситаси рамзида ўрганишни тақозо этади. Кўп маротаба айтилаётганидек, маълум тилни ўрганувчилар учун унинг грамматик ва луғавий тизимини билишнинг ўзи етарли эмас. Улар, шунинг-

дек, ушбу тил воситасида қандай қилиб маълум мазмунни ҳосил қилиш ва ифодалашни, қай йўсинда бошқалар билан мулоқот қилишни билишлари даркор. Бунинг учун тилнинг табиати ва унинг воқеликдаги акс-садосини ҳис этиш керак бўлади [4.381]. Демак, ўрганилаётган тилга нисбатан янги белгилар (кодлар) тизими, олдиндан маълум тушунчаларга янги ёрлиқ берувчи восита муносабатида бўлиш зарарлидир. Чет тилини ўрганиш, энг аввало, бошқа маданият билан танишиш, янги тушунчаларни ўзлаштириш ва оламга бошқача боқиш имконини беради.

Хуллас, мулоқот фаолияти универсал тамойиллар асосида кечиши билан бир қаторда, миллий-маданий қадриятлар доирасида шаклланадиган меъёрий қоидалар назоратида бўлади. Ушбу қоидаларнинг фаоллашуви миқёсини белгилаш ва уларнинг чет тилида бажариладиган лисоний-тафаккур ҳаракатлари жараёнида вариантлашуви ҳолатларининг ўрганилиши назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Адабиётлар:

1. Carey J.W. Communication as Culture: Essays on Media and Society.- New York: Routledge,1992.

2. Galperin R. Linguistic consciousness and some questions of the relationships between language and thought // Journal of Russian and East European Psychology, 1992., vol.3. No.4.-P.28-49.

3. Gunderson L. Voices of teenage diasporas // Journal of adolescent and Adult Literacy, 2000. Vol.43. No.8.-P.692-706.

4. Svalberg A. Language Awareness in language learning and teaching: A research agenda // Language Teaching, 2012.Vol.45.No.3-P.376-388.

5. Tomasello M. Constructing Language: A Usage-based theory of Language Acquisition.-Cambridge, Mass.: Harvard University Press, 2003.

6. Wertsch J.V. Mind and Action.-Oxford: Oxford university Press, 1998.

7. Алефиренко Н.Ф. Этноязыковые кодирование смысла в зеркале культуры // Мир русского слова.-СПб, 2002.-С.60-74

8. Выготский Л. Мышление и речь. Сборник. – Москва: Хранитель, 2008.-668 с.

Самарқанд давлат чет тиллар институти,
2016 йил 5 январда қабул қилинган,
(Тақризчи: проф. С.Р.Раҳимов)